

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/.30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПУЛАТОВ ДЖАВДАТ АБДУЖАББОРОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ПСИХОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АМАЛИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

УДК: 378.012.8:159.9  
378.011.3-051-043.61:159.9

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
sciences**

<b>Пулатов Джавдат Абдужабборович</b> Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш .....	3
<b>Пулатов Джавдат Абдужабборович</b> Совершенствование системы мониторинга практической компетенции будущих учителей психологии .....	21
<b>Pulatov Djavdat Abdujabbarovich</b> Development of the system of the monitoring the practical competency of the future teachers of psychology .....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/.30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПУЛАТОВ ДЖАВДАТ АБДУЖАББОРОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ПСИХОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АМАЛИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3. PhD/Ped560 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/> ixtisoslashgan kengashlar) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Мусурманова Айниса  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Олимов Ширинбой Шаропович  
педагогика фанлари доктори, профессор  
Шоумаров Ғайрат Баҳромович  
психология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "20" *февраль* соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиббони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu\_ped\_kengash@umail.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиббони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51; факс: факс: (0366) 239-17-14.

Диссертация автореферати 2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



*[Signature]*  
**Х.И.Ибраимов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
п.ф.д., профессор

*[Signature]*  
**Ш.П.Урақов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий Кенгаш котиби,  
п.ф.ф.д. (PhD)

*[Signature]*  
**Н.Ш.Шодиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув даврининг инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсирини енгиллаштиришда психологларнинг алоҳида ўрнини инobatга олиб, амалий компетенцияли психологларни тайёрлаш тизими самарадорлигини оширишга аҳамият қаратилмоқда. Франция, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Англия, Жанубий Корея, Россия каби мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари фаолиятида психолог мутахассислар тайёрлаш ўқув жараёнини компетенциявий ёндашув асосида модернизациялаш, халқаро стандартларни ишлаб чиқиш, ўқитишнинг илғор усуллари ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш долзарблик касб этмоқда.

Халқаро миқёсда бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш, кўникмаларини ривожлантиришда умумий ва шахслараро компетенциялар таркибини янгилаш, тегишли функцияларни бажариш қобилияти ва тайёрлигини белгилловчи индивидуал ва касбий тавсифни аниқлаштириш ва узлуксиз мониторингини амалга оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари бўлажак психолог-ўқитувчиларини тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишда мониторинг тизими мазмунини такомиллаштириш, назарий-методологик ва услубий асосларига оид илмий ишланмаларни таълим жараёнида қўллаш долзарблиги таъкидланади.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш, ўқув жараёнига самарали педагогик технологияларни жорий этиш, педагогик фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган ислохотлар психологлар тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Айниқса, ижтимоий соҳанинг барча бўғинларида психологик хизмат турларига бўлган талабнинг ортиб боришини инobatга олиб бўлажак психология ўқитувчиларини тайёрлашнинг мазмуни ва ўқитиш тузилмаси такомиллаштирилмоқда. Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларида “Олий таълим муассасаларида психология соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, тор йўналишлар ва мутахассисликлар жорий этиш” каби<sup>1</sup> вазифалар белгиланган. Бу борада бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлиги мониторинги жараёнларига оид дидактик имкониятларни ўрганиш, электрон таълим ресурслари ҳамда ўқув-услубий таъминотини ишлаб чиқиш, натижаларни баҳолаш индикаторларини аниқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2019 й., 09/19/472/3253.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 577-сон “Ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Педагог олимлардан Р.Ахлидинов, Р.Джураев, У.Иноятов, Х.Ибраимов, А.Ибрагимов, Ж.Йўлдошев, Р.Каримов, С.Турғунов, О.Мусурманова, М.Қурононов, Ш.Қурбонов, А.Чориев ва бошқаларнинг тадқиқотларида замонавий шахсни тарбиялашда компетентлиликни баҳолаш масалалари ўз ифодасини топган.

Узлуксиз таълим тизимида таълим менежментининг мустақил категорияси ҳисобланган ўқитиш сифати мониторингини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитларига мамлакатимиз олимларидан Д.Арзикулов, А.Акрамов, Х.Абдукаримов, У.Бегимкулов, М.Ваҳобов, Ш.Қурбонов, М.Мирсолиева, Н.Муслимов, М.Маҳмудов, Н.Шодиев, Т.Шоймардонов, шунингдек, МДХ, олимларидан А.Бахмутский, С.Багаева, И.Белевцева, А.Бондаренко, И.Гальмукова, М.Громова, А.Макаров, А.Майоровлар, хорижлик олимлардан V.Chinapah, H.Braun, P.Anderson, Sarah Nowelарнинг илмий ишларида алоҳида эътибор қаратилган.

Касбий маҳоратнинг шаклланиши ва педагогик фаолиятга касбий тайёргарлик Д.Арзикулов, Р.Ахлидинов, Р.Асомова, Б.Жўраев, М.Исмаилова, Ж.Йўлдошев, М.Очиллов, Б.Рахимов, Ҳ.Рашидов, Р.Сафарова, С.Турғунов, МДХ олимларидан В.Звонников, Г.Ившина, Н.Кочетова, Н.Ковалева, Н.Кулакова, Е.Михайлова, шунингдек, хорижлий олимлардан V.Greaney, T.Kellagha, P.Santiago, D.Nusche, T.Radinger, C.Shewbridgelар томонидан таълим сифати мониторинги ва таълим сифатини миллий баҳолаш асосида бошқаришнинг ташкилий - методик ёндашув жараёнлари илмий асосланган.

Педагогик фаолиятнинг моҳияти, тузилиши ва мазмунининг педагогик онгда акс этиши А.Абдурахмонов, А.Абдукодиров, У.Бегимкулов, Х.Ибраимов, О.Мусурмонова, Н.Рахмонқулова, Н.Тайлаков, Ш.Шарипов, Д.Шарипова, Н.Эгамбердиева, МДХ олимлари М.Громова, Н.Горшкова, П.Ситников, В.Муратова, И.Трубина, А.Харисова, Е.Шмакова ва бошқалар,

шунингдек, хорижлик олимлардан W. John Morgan, A. Scheleicher, Hyo Jeong Yeelarнинг тадқиқотларида ўқув-тарбия жараёни сифатини педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида баҳолаш ва мониторингнинг коррекцион функцияси жараёнида шахс қизиқишларини уйғунлаштириш имкониятлари очиқ берилган.

Бўлажак ўқитувчилар шахсини шакллантириш муаммолари Х.Абдукаримов, А.Алимов, Х.Ибраимов, Н.Исакулова, Х.Маматқулов, Б.Маъмуров, Қ.Раҳманов, К.Рискулова, М.Тошпулатова, М.Уразова, А.Халиков, Б.Ходжаев, Т.Шоймардонов, С.Шарипова, Ж.Ҳамидов, Э.Юзликаевларнинг илмий тадқиқот ишларида атрофлича ёритиб берилган.

Республикамиз психолог олимларидан З.Абидова, М.Давлетшин, В.Каримова, З.Нишонова, Ф.Расулова, И.Раҳимова, М.Саипова, Н.Сагиндиқова, Д.Собирова, Б.Жўраев, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров, Г.Якубовалар томонидан ўқитувчи социал интелектининг психологик асосларини такомиллаштириш масалалари илмий- назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” (2014-2016 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар тайёрлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини аниқлаш;

Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришда умумқасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясининг дидактик имкониятларини ўрганиш;

Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қиладиган электрон таълим ресурслари ҳамда ўқув-услубий таъминотни яратиш ва амалиётга жорий этиш;

Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш жараёнларини моделлаштириш методикаси ва натижани баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Нукус шаҳарларидаги олий таълим муассасаларидан 12 нафар ўқитувчи ва 407 нафар талаба, жами **419** респондент жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш мазмуни, омиллари, дидактик шарт-шароитлари, шакл, метод ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, суҳбат, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлардан (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинги (интеллектуал, тинглаш, бошқариш, мувозанатлилик, ҳиссий) параметрлари педагогик-амалий тайёргарлик босқичларига оид нейролингвистик дастур, психоанализ ва эмоционал сифат элементлари мазмунини очиб бериш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари таркиби рефлексив бошқарув (педагогик-психологик, технологик, диагностик ва касбий) омиллари ўзаро функционал (вертикал, горизонтал, тўлдирувчи) интеграциялаш имкониятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

амалий компетентликни мониторингини юритиш тизимининг ахборот-методик таъминоти семинар-тренинг машғулотлари тузилмасини ишлаб чиқиш, визуал симуляция ва интерактив моделлаштириш (тасвирли, намоишли, интерфейсли)нинг технологик хусусиятларини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлиги даражасини баҳолаш усуллари диагностик кўрсаткичлар таркибига педагогик-психологик-акмеологик (ўзини ўзи мустақил касбий ва амалий ривожлантиришга оид) индикаторлар тизимини киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

Олий таълим тизимида ўзаро ҳамкорликда ишлайдиган “Психологик хизмат маркази”да мониторинг хизмати ташкил этилган;

бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш мазмуни умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясининг дидактик имкониятлари, электрон форматдаги интеграциялаштирилган таълим технологиялари асосида аниқлаштирилган;

бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари аниқланган ҳамда уни амалиётга татбиқ этишнинг яхлит механизми тавсия этилган;



бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш моделида илгари сурилган ғоя ва тавсиялардан “Мутахассисликка кириш” ва “Экспериментал психология”, “Педагогик психология” каби фанларнинг “Психология соҳасини ривожлантириш” бўлими мазмуни такомиллаштиришда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланган ёндашув ва усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқлангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга доир таълим мазмунининг дидактик имкониятлари ўрганилганлиги, инновацион технология, интерфаол метод, шакл ва воситаларни қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, уларнинг тажриба-синовдан ўтказилганлиги, таклиф этилган “Психологик хизмат кўрсатиш маркази” фаолиятининг самарадорлиги аниқланганлиги, назарий ёндашувлар, педагогик андоза, қарашлар ва ғоялар жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамият ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар доирасида бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг онлайн тизими вебинар ёндашувнинг Formal, noformal, informal инновацион инфратузилмаси шакллантирилгани, “Психологик хизмат кўрсатиш маркази” мониторинг Низом ишлаб чиқилгани, таълим жараёни мазмуни такомиллаштирилгани, ўқув машғулотлари янгича ёндашувлар асосида ташкил этилгани, соҳа мутахассислари, ўқитувчилар, психологлар, тадқиқотчилар, ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлиги мониторинги параметрлари, педагогик-амалий тайёргарлик босқичларига оид нейролингвистик дастур, психоанализ ва эмоционал сифат элементлари мазмунига оид таклифларидан бакалавриятнинг 5110900 – Педагогика ва психология таълим йўналиши Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 89-03-2268-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак психология ўқитувчиларини амалий фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган умум касбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари таркиби, рефлексив бошқарув омилларини ўзаро функционал интеграциялаш имкониятларига доир таклиф ва тавсиялардан “Психологик хизмат кўрсатиш маркази” фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июлдаги 89-03-2268-сон маълумотномаси). Натижада, психологик хизмат кўрсатиш маркази фаолияти асосида бўлажак психология ўқитувчилари таълим жараёнига креатив ёндашув самарадорлигини оширишга эришилган;

амалий компетентлик мониторинги тизимининг ахборот-методик таъминоти, семинар-тренинг машғулотларини ишлаб чиқиш, визуал симуляция ва интерактив моделлаштиришнинг технологик хусусиятлари, амалий компетентлик даражасини баҳолаш усуллари, диагностик кўрсаткичлар таркибига педагогик-психологик-акмеологик индикаторлар тизимини киритишга оид тавсиялардан А-1-16 рақамли “Имконияти чекланган ўқувчиларда касбий қизиқишларни ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июлдаги 89-03-2268-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган методик таъминот бўлажак психология ўқитувчиларининг имконияти чекланган ўқувчилар билан ишлашда амалий компетентлигини баҳолаш ва ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган нашрларда 6 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 126 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган; республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар, шунингдек, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ва назарий-концептуал, методологик асослари, бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари, бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари ва амалиётдаги ҳолати илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Изланишларимиз ҳозирги пайтда бўлажак психология ўқитувчиларини тайёрлашда ўз ечимини кутаётган қуйидаги: таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини самарали ва сифатли ташкил этилмаётганлиги, педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, жамоа аъзоларининг ҳиссий-эмоционал ҳолатлари, шахслараро муносабатлар ва зиддиятли хатти-ҳаракатларни коррекциялаш, уларнинг психологик маданиятини юксалтиришнинг эътибордан четда қолаётганлиги, бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари етарли эмаслиги, мутахассислик фанлари бўйича махсус билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда юқори даражадаги мотивацияни шакллантириш каби муаммолар кўламини белгилаш имконини берди.

Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш ўқув жараёнидаги ўзига хос сифатлар мажмуи бўлиб, давлат, жамият ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг эҳтиёжларини қондиришга йуналтирилган узлуксиз педагогик жараённинг натижаси ифодасидир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини такомиллаштиришда билимдонлик, касбига мослик, малакалилик, тажрибалилик, масъулиятлиликни раҳбарлик фаолиятига сингдириб бориш (тизимда психологлар раҳбар ходим сифатида ҳам фаолият юритади) учун қулай педагогик шароит яратиш, уларнинг юқори натижаларга эришишга бўлган интилишларини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда ижодий яратувчилик фаолиятларини ташкил этиш, интеграллашган мезонлар асосида таълим сифатини мониторинг қилиш механизмлари, олий педагогик таълимнинг асосий мақсадига эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш, таълим олувчиларнинг касбий маданияти ва маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш долзарб аҳамият касб этади.

Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш мазмунини таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатдики, педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, жамоа аъзоларининг эмоционал ҳолатлари, шахслараро муносабатлар ва зиддиятли хатти-ҳаракатларни

коррекциялаш, уларнинг психологик маданиятини юксалтириш лозим. Шу нуқтаи назардан, психологик хизмат соҳасида амалга оширилаётган қатор устувор йўналишларда ривожланиш тенденциясининг изчил, режали амалга оширилишида психологик-педагогик ташхис, психокоррекция ва касб-ҳунарга йўналтириш, психология фани ютуқлари, инновацион психологик методика ва технологияларни таълим жараёни ҳамда психологик амалиётга татбиқ этиш, илғор хорижий ва маҳаллий тажриба асосида психологик-педагогик ташхис тизимига ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш, психологик йўналишдаги ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тизимли ташкилий фаолият талаб этилади.

Юқорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, таълим жараёнини сифат ва самарадорлигини ошириш бевосита бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга боғлиқ бўлгани боис, биз тадқиқотларимиз жараёнида “компетентлик” ва “мониторинг” тушунчаларининг луғавий маъноларини изоҳлаб ўтишни лозим деб топдик.

**“Компетенция”** (лотинча **competensia**) “тегишли”, “билгили бир соҳани билувчи”, “тўлиқ ҳуқуққа эга”, “муайян бир шахс ёки корхонанинг тўлиқ ҳуқуққа эгаллиги”, “шахснинг билимлари ва тажрибалари атрофидаги масалалар” деган маъноларни билдирса, **“компетентлик”** ўз билимлари ва ҳуқуқларига таянган ҳолда муайян масалаларни ҳал этиш ва еча олишга лойиқлиги, фикр юрита олиш малакасига эгалликни билдиради. Шунингдек, мутахассиснинг касбий компетентлиги муайян бир соҳа мутахассисининг касбий тайёрлиги, салоҳиятлилиги ва касбий етуклигини баҳоловчи мезон ҳисобланиши эътироф этилди.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак психология ўқитувчиларини педагогик маҳорат сирларидан бохабар этиш билан бир қаторда, уларнинг амалий компетентлигини оширишнинг дидактик имкониятларини бевосита таълимий муаммоларни, талабаларнинг таълим жараёнидаги фаолияти, уларнинг ўқув, билув жараёнига илмий-назарий жиҳатдан ёндашувини такомиллаштириш ҳам муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Глобаллашув даврида педагогик, ахборот-коммуникатив технологияларнинг, айниқса, Интернет глобал тармоғининг кириб келиши педагог кадрлардан фақат ўз фанини чуқур билибгина қўймасдан, балки таълим-тарбия жараёнларида улардан самарали фойдалана олишни ҳам талаб қилмоқда. Интернет тармоғида ишлаш, ахборотларни олиш, уларни таҳлил қилиш ва саралаш, масофадан ўқитиш технологияларни, замонавий инновацион технологияларини билиши ва уларни амалиётда қўллаш малака ва кўникмаларига эга бўлиши, соҳа бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш, шунингдек, таълим-тарбия натижаларини объектив баҳолаш ҳамда мониторингини олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш онгли равишда фаолият олиб бориш учун ўзига хос ҳаракат сифатида таъкидланади.

Тадқиқотлар натижасида, бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини такомиллаштириш мониторинги – таълим мақсадлари ва эришилган натижаларининг ўзаро мувофиқлигини ҳамда уларга таъсир этган омилларни аниқлаш, ўқув-тарбия жараёнини коррекциялаш ва кейинги ҳолатини башоратлаш имконини берувчи педагогик жараён сифатида таърифланди.

Олий таълим муассасаларида бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг инсонпарварлиги, таълимнинг ижтимоийлиги, таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражаси, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, билан бирга, педагог компетенциясига оид халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат-ларнинг методологик асосларини, мазмун ва моҳиятини билиш, уларга амал қилиш каби тамойиллари ишлаб чиқилди.

**Диссертациянинг “Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг самарали шакл ва методлари”** деб номланган иккинчи бобда бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлиги мониторинги моделини такомиллаштириш жараёнида амал қиладиган тамойиллар, параметр ва индикаторларнинг педагогик тавсифи, бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш модели ва жаҳон тажрибаси, бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг дидактик таъминоти илмий асослаб берилган.

Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришда муаммоли таълим, дастурий таълим, модул таълими, ривожлантирувчи таълим, ўйин технологиялари ва интерфаол таълим каби технологиялар асосий параметр этиб белгилаб олинди. Шунингдек, бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш таркибига аниқлик киритилди ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таълим жараёнида таълим олувчилар онгига сингдирилаётган назарий билимларни амалий фаолият ёрдамида янада мустаҳкамлаш;

- талабаларнинг психик қонуниятларни, ходисаларнинг моҳиятини теварак-атрофдаги воқеликка тўқнаш келиш йўли билан билиб олиши, уларни солиштириши, ўзлаштириши;

- инсон амалий фаолият туфайлигина ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнини ташкил этувчи муносабатлар, шунингдек, психик ходисалар сирларини ўзлаштириб олиши;

- лаборатория хоналарида психик асбоблар билан амалий муносабатда бўлиш натижасида буюмларнинг сезги аъзоларига таъсир қилиши,

сезгиларнинг идрокни келтириб чиқариши талабаларнинг фаол фикрлаш фаолиятини юзага келтириши ва ш.к.


Бизга бошқарувнинг йўл ва воситалар йиғиндиси – башорат қилиш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва баҳолаш, шунингдек, тезкор ўзгартириш тўғрисида бошқарув хулосасини қабул қилиш мақсадида таълим жараёнини кузатиш – талабаларнинг амалий компетентлигини мониторинг қилиш имконияти кузатувчанлик, тафаккур, хотира сингари билиш қобилиятларини ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик мазмуни ва таълим тизими компонентлари:

- ДТС, ўқув режа, намунавий ва ишчи дастурлар;
- ўқув услубий адабиётлар ва қўлланмалар, дарсликлар;
- ўқитиш воситалари;
- фанлар бўйича назарий ва амалий материаллар;
- фанлар бўйича дидактик материаллар;
- лаборатория ва психологик асбоблар;
- амалиётлар;

- ахборот коммуникация технологияларининг муҳимлиги билан исботланди. Таълимда замонавийликни таъминлаш, яъни таълим амалиётида илмий асосланган ва тажрибада синалган дидактикага оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб-қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлигига, шунингдек, таълимнинг тараққиёт даражаси унинг мазмунига киритилаётган фан-техника ютуқлари билан тавсифланди.

Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини шакллантириш жараёни педагогик жараёнда самарали фаолият кўрсатишнинг дидактик асосдан иборат экани амалий компетентликни мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг педагогик мазмунини ўқув жараёнини ташкил этувчи компонентларга ҳам боғликлиги эътиборимиздан четда қолмади(1-расм).



1-расм. Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини шакллантириш тузилмаси

Педагогик жараёни мониторинг жараёнига ўзаро боғлиқлиги ҳамда алоқадорлигини бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини қуйидагича шаклда такомиллаштиришни тақозо этади (2-расм).



**2-расм. Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш мазмуни**

Халқаро тажрибаларга таянган ҳолда бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини такомиллаштириш, шунингдек, таълим жараёнини таснифлашда узвийлик ва узлуксизликни технологик ёндашув асосида лойиҳалаштириш, акмеологик нуқтаи назардан ёндашиш ўқув жараёни муваффақиятини олдиндан кўра билишга ҳам боғлиқ, деган фаразни илгари суриб, тажриба ва кузатувларимиз давомида бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини ривожлантириш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш субъектлари, компонентлари ҳамда бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини шакллантириш тизимини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди.

Ушбу моделни амалиётга татбиқ этиш бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини ривожлантиришда узвийлик ва

узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштиришдаги устувор масалаларни ижобий ҳал этиш, шунингдек, педагогик механизмларини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари мазмун-моҳиятини англашда ижобий натижа берди.

Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини ривожлантиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлик мезонлари ўрганиб чиқилди ва тажриба давомида амалиётда қўлланди. Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини ривожлантириш жараёнида педагогик технологиялардан самарали фойдаланишни мониторинг қилиш (баҳолаш) тавсия этилаётган мезонлари тизими таълимдаги миқдорий кўрсаткичлар билан бирга сифат кўрсаткичларини ҳам баҳолаб беради.

Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш жараёнида талаба ҳаракатларида технологияда белгиланган кўрсаткичлардан оғиш даражаси қанчалик юқори бўлса, бутун лойиҳаланган жараённинг бузилиши ва кўзланган натижага эриша олмаслик эҳтимоли шу даражада ортиб боради.

Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини такомиллаштириш жараёнида олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш босқичини мониторинг қилиш мезонлари сифат кўрсаткичлари ва миқдор кўрсаткичлари воситасида психодиагностик самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш ва унинг сифат жиҳатидан таҳлилинини амалга ошириш ҳамда педагогик фаолиятни яхшилашга ёрдам беради (3-расм).

Бугунги кунда психология ўқитувчилари амалий компетентликни ривожлантириш, ахборотлар тезлигини англаш, ўз-ўзини бошқара олиш, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни билиш ва улардан фойдалана олиш, психологик педагогик адабиётлар билан ишлаш, зарур методик йўриқномалар тузиш, самарали психологик тадқиқотлар ўтказишнинг дидактик шакллари ва усулларидан фойдаланиш ёрдамида талабаларнинг билим олишида замонавий таълим технологиялари ва ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш долзарб вазифалар сифатида эътироф этилмоқда.


Бу олий таълим тизимида ўқитиш самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, усул ва материалларни қўллаш, шунингдек, қўлланаётган усулларни мониторинг қилиш орқали таълим жараёнини лойиҳалаштириш йўллари ишлаб чиқиш демакдир.

Тадқиқотда ўқитиш жараёнида қўлланадиган дидактик воситаларнинг самарадорлиги сифат кўрсаткичлари, дидактик воситаларни қўллашнинг самарадорлиги ўқув жараёнини сифатли ташкил қилишнинг хусусий мезонини очиб берувчи бир нечта кўрсаткич тўлақонли ёритиб берилди, шунингдек, олий таълим муассасаларида бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини ривожлантириш механизмлари такомиллаштирилди.

Диссертациянинг **“Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг самарадорликлик даражаси”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов



ишлари натижаларининг ташкил этилиши, бориши ва натижаларининг самарадорлик даражалари ўз аксини топган.




3-расм. Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизими.

Тажиба-синов объектлари сифатида тўртта олий таълим муассасаси: Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро давлат университети, Фарғона давлат университети, Нукус давлат педагогика институти Психология таълим йўналиши 1-4-босқич талабалари танлаб олинди. Шундан 206 нафар талаба тажиба гуруҳида ва 201 нафар талаба назорат гуруҳини ташкил этди.

Тажриба-синов жараёнида иштирок этган талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди ва уларда амалий компетенциянинг шаклланганлик даражаси *паст*, *ўрта* ва *юқори* даражаларда аниқланди.

*Паст даража*–бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлиги такомиллашганлигининг бошланғич даражасини белгилайди, улар куйидагилар билан тавсифланади: амалий функцияларни амалга оширишга тааллуқли ҳаракатлар ҳақидаги билимларнинг мавжуд эмаслиги; фаолиятнинг шаблонли тавсифи; ўз фаолиятининг таҳлили субъектив характерга эгаллиги; паст даражадаги асослантириш ҳамда психологик амалий фаолиятини амалга ошириш учун жавобгарлик ва масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр эмаслиги.

*Ўрта даража*–бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлиги такомиллашганлик даражасини белгилайди. У амалий фаолиятга нисбатан мустаҳкам асосларнинг мавжудлиги, унинг сифатли таҳлили, ҳаракатларнинг вариативлиги ва мақсадга йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Талабалар онгли равишда, предметга оид мазмунли, психологик, ижтимоий ва бошқарувчанлик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ўзларининг таълим ва келажақдаги психологик-амалий фаолиятини лойиҳалаштира олади. Бу даражада улар ўқув ва хизмат фаолияти натижаларини олдиндан била олишга, аниқланган камчиликларни мустақил тузатишга лаёқатли бўлади, ўз-ўзини такомиллаштиришга интилади ҳамда психологик-амалий фаолиятни амалга ошириш учун жавобгарлик ва масъулиятни вазиятли тарзда ўз зиммасига олади.




4-расм. Барча босқичлардаги ўртача қийматлар диаграммаси

*Юқори даража* – бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлиги такомиллашганлигининг профессионал даражасини белгилайди ва бу барча компетентлик гуруҳларининг тўлиқ шаклланишига ёрдам берадиган ўқитишнинг янада самарали шакл, усул ва воситалари танловини амалга ошириш ва ўзларининг психологик-амалий фаолиятини амалга ошириш учун ўзи қилган ҳаракатлари учун жавобгарлик ва масъулиятни тўлиқ ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан тавсифланади.

Қуйида шакллантирувчи босқичда олинган натижаларнинг ҳар бир таълим муассасаси учун умумий қийматлар статистик ҳисоб натажаларининг

ўртача қиймати диаграммаси ва самарадорлик кўрсаткичлар бўйича диаграммасини келтирамиз.

Энди барча босқичлардаги натажаларнинг ўртача қиймати диаграммаси ва самарадорлик кўрсаткичлар бўйича диаграммасини келтирамиз.



**5-расм. Барча босқичлардаги самарадорлик кўрсаткичи**

Ушбу жадвалва диаграмма маълумотларига кўра, барча таълим муассасаларида  $\chi^2_{\text{кузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$  бўлгани учун тажриба гуруҳларидаги бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлиги сезиларли даражада ошиб, уларнинг самарадорлик кўрсаткичи 1,14 га тенг, яъни 14 % га ошганлиги статистик усуллар билан исботланди.

## ХУЛОСА

Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш жараёнини тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ахборот алмашинуви глобал тус олган ижтимоий жараёнда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини педагогик имкониятлари, мотивацион, замонавий, универсал таълим, интеграцион, халқаро ҳамкорлик тамойиллари асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

2. Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш талаблари (интелектга эга бўлиш, тинглай олиш, бошқара олиш, мувозанатлилик, ҳиссиётга берилмаслик), педагогик-амалий тайёргарлик босқичларига оид замонавий талаблар ҳамда нейролингвистик дастур, психоанализ ва эмоционал сифат элементлари мазмунини очиқ бериш асосида аниқлаштирилиши ижобий самаралар гаровидир.

3. Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш педагогик (жараён,

натижалилик, баҳоланиш, зиддиятдан қочиш) омиллари ва (устуворлилик, самарадорлик, йўналтирилганлик, асослилик) тамойилларини аниқлаштириш асосида ишлаб чиқиш муҳимлиги бугунги тезкор давр хусусиятлари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилди.

4. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш модели, илгари сурилган ғоя ва тавсиялар асосида “Мутахассисликка кириш”, “Экспериментал психология”, “Педагогик психология” каби фанларнинг “Психология соҳасини ривожлантириш” бўлими мазмуни такомиллаштирилгани таълим жараёнида самарадорликка эришишда муҳим педагогик аҳамият касб этади.

5. Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш асосида психологик хизматни ташкил этишнинг умумий мезонлари, психологик хизмат маҳсулдорлигининг шартлари, ижтимоий-психологик саломатлик, психокоррекциянинг технологик асослари, ишчанлик қобилиятини оширишнинг методологик асослари ҳақида тасаввурларга эга бўлиши, ўзгалар меҳнати ва ижодий фаолиятини холис баҳолашни билиши ва улардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини эгаллаши кераклиги аниқланди.

6. Бўлажак психология ўқитувчилари амалий компетентлигини такомиллаштириш олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасининг замон талаблари даражасида бўлишини таъминлашни (лаборатория ўқув хоналарини ташкил этиш ва психологик асбоблар билан жиҳозлаш) талаб этади.

7. Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари, механизмларини ишлаб чиқиш, таълим-тарбиянинг инновацион усулларидан фойдаланиш таълим жараёнининг самарали кечиши, мақсадга эришилганлик даражасини оширади.

8. Бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришда айниқса “Ёш амалиётчи психолог” тўғараги фаолиятини ташкил этиш катта имкониятлар тақдим этади. “Мулоқот ва шахслараро муносабат” мавзуларида тренинг, суҳбат, баҳс-мунозара, дебат, экскурсия, кўргазмалар шулар жумласидандир. “Психолог мактаби” маҳорат дарсларида ўтиладиган тренинг ва амалий машғулотлар амалиётчи психология ўқитувчиларининг амалий компетенцияларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

9. Тадқиқот жараёнида бўлажак психология ўқитувчиларининг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга оид тажриба-синов натижалари тадқиқотда белгиланган мезонлар асосида ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан математик статистика методлари ёрдамида таҳлил этилди ва олиб борилган тадқиқот ишининг методикаси ҳаққонийлигини намоён этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/.30.01.2020.Ped.02.06 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ  
ЯЗЫКОВ**

**ПУЛАТОВ ДЖАВДАТ АБДУЖАББОРОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ МОНИТОРИНГА  
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ  
УЧИТЕЛЕЙ ПСИХОЛОГИИ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В 2018.3.PhD/Ped560.**

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Мусурманова Айниса**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Олимов Ширинбой Шаропович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Шоумаров Гайрат Бахромович**  
доктор психологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Кокандский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/.30.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете (адрес: город Самарканд, сквер Университетский, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail:samdu\_ped\_kengash@umail.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: город Самарканд, сквер Университетский, дом 15.. Тел.: (0366) 239-11-51; факс: факс: (0366) 239-17-14.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Х.И.Ибраимов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.п.н. (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**  
Председатель научного семинара при научном  
совете председатель по присуждению ученых  
степеней д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире, учитывая особую роль психологов в смягчении воздействия процессов глобализации на взаимоотношения людей, особое внимание обращается на повышение эффективности системы подготовки для сферы педагогики учителей психологии, обладающих практическими компетенциями. В деятельности ведущих высших образовательных учреждений таких стран, как Франция, Соединенные Штаты Америки, Германия, Англия, Южная Корея, Россия приобретает актуальность повышение эффективности образования путем модернизации учебного процесса по подготовке специалистов-психологов на основе компетентного подхода, разработки международных стандартов, внедрения передовых методов обучения и информационных технологий.

В международных масштабах проводится научно-исследовательская работа, направленная на обновление состава общих и межличностных компетенций, конкретизацию индивидуальных и профессиональных характеристик, определяющих способность выполнять определенные функции и готовность к ним, осещувлять непрерывный мониторинг данного процесса при формировании практической компетентности учителей психологии. Существует потребность в системе мониторинга практической компетентности учителей психологии при их подготовке. Кроме того, подчеркивается актуальность в повышении качества и эффективности подготовки будущих учителей-психологов совершенствования содержания системы мониторинга, применения в образовательном процессе научных разработок в области теоретико-методологических и методических основ развития практической компетентности.

В нашей стране реформы, направленные на кардинального обновления системы подготовки кадров, внедрение в учебный процесс эффективных педагогических технологий, создание необходимых для педагогической деятельности условий служат повышению качества подготовки психологов. Особенно, с учетом роста потребности в видах психологической службы во всех звеньях социальной сферы совершенствуется содержание и структура обучения будущих учителей психологии. Вместе с тем, существует необходимость совершенствования системы мониторинга практической компетентности будущих учителей психологии. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в качестве приоритетной определена задача – «Развитие сферы образования и науки: продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»<sup>1</sup>. В этой связи особую значимость приобретает

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. №УП-4947. 7 февраля 2017 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

изучение дидактических возможностей процессов мониторинга практической компетентности будущих учителей психологии, разработка электронных образовательных ресурсов и учебно-методического обеспечения, конкретизация индикаторов оценки результатов.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, постановлениях №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года и №ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года, постановлении №577 «О дальнейшем совершенствовании психолого-педагогического обеспечения учащихся», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** В исследованиях ученых-педагогов, как Р.Ахлиддинов, Ж.Йулдошев, Р.Джураев, Ш.Курбонов, У.Иноятов, Р.Каримов, С.Тургунов, Х.Ибраимов, А.Мусурманова, М.Курунов находят свое отражение программы оценки компетентности в воспитании современной личности.

Педагогическим условиям осуществления мониторинга качества обучения как самостоятельной категории менеджмента образования в системе непрерывного образования особое внимание уделяется в научных работах отечественных ученых, как Р.Джураев, Ш.Курбонов, У.Иноятов, Р.Ахлиддинов, Р.Каримов, С.Тургунов, М.Вахобов; ученых стран СНГ, как А.Бахмутский, А.Макаров, С.Хохлова, С.Багаева, И.Белевцева, И.Гальмукова, А.Майоров; также зарубежных ученых, как V.Chinapah, H.Braun, P.Anderson, Sarah Howe, Sylvia ACANA, Fernando Cartwright.

Ж.Йулдошевым, Х.Рашидовым, Р.Сафаровой, С.Тургуновым, М.Ю.Исмаиловой, Б.Рахимовым, Б.Жураевым, Д.Арзикуловым, Р.Ахлиддиновым, Р.З.Асомовой; учеными из стран СНГ: В.Звонниковым, Г.Ившиной, Н.Кочетовой, Н.Кулаковой, Е.Михайловой, Н.Ковалевой; зарубежными учеными: V.Greaney, T.Kellaghan, P.Santiago, D.Nusche, T.Radinger, C.Shewbridge научно обоснован организационно-методический подход к контролю за качеством образования, современные формы управления на основе национальной оценки качества образования и мониторинга качества образования, формирования профессионального мастерства и профессиональной подготовки к педагогической деятельности.



В исследованиях отечественных ученых, как А.Абдурахмонов, У.Бегимкулов, Н.Тайлаков, Х.Ибрагимов, О.Мусурмонова, Ш.Шарипов, Д.Шарипова, Н.Рахмонкулова, Н.Эгамбердиева, А.Абдукодиров; ученых стран СНГ, как М.Т.Громова, П.А.Ситников, Н.Горшкова, В.Муратова, И.Трубина, А.Харисова, Е.Шмакова; также ученых из зарубежных стран, как W. John Morgan, A. Scheleicher, Hyo Jeong Yee подвергнуто анализу отражение в педагогическом сознании сущности, структуры и содержания педагогической деятельности, оценка и управление качеством учебно-воспитательного процесса посредством педагогических и информационно-коммуникационных технологий, квалиметрические особенности педагогического управления, оптимизация интересов личности в процессе коррекционной функции мониторинга (технология LOGFREIM, основанная на подходе оценки и планирования качества (TIMSS, PISA, PIRLS), раскрыты их суть и возможности.

Проблемы формирования личности будущих учителей подробно освещены в научно-исследовательских работах Х.Абдукаримова, Х.Ибраимова, Э.Юзликаевой, Х.Маматкулова, К.Рахманова, Т.Шоймардонова, Б.Маъмурова, А.Алимова, А.Халикова, К.Рискуловой, Н.Исакуловой, М.Уразовой, М.Тошпулатовой, Ж.Хамидова и др.

